

Абдусамиев Дилмурод Абдуғани ўғли,
Наманган давлат университети таянч докторанти

ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ САМАДОРЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҲОДИСАЛАР (КАСБИЙ ДЕФОРМАЦИЯ)

УДК: 373.1

АБДУСАМИЕВ Д.А. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ САМАДОРЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҲОДИСАЛАР (КАСБИЙ ДЕФОРМАЦИЯ)

Ушбу мақолада, педагогик фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, ижтимоий-педагогик ҳодисалардан касбий деформацияни келтириб чиқарувчи сабаблар, касбий деформация ҳодисасининг таъсирини камайтириш чора-тадбирлар тўғрисида фикрлар келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: деформация, стереотиплаштириш, ижтимоий-педагогик ҳодисалар, механизм, педагогик омил, типиклаштириш, касбий ҳалокат.

АБДУСАМИЕВ Д.А. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ СОБЫТИЯ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ (ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ДЕФОРМАЦИЯ)

В статье рассматриваются факторы, влияющие на эффективность педагогической деятельности, причины профессиональной деформации от социально-педагогических явлений, меры по снижению влияния профессиональной деформации.

Ключевые слова и понятия: деформация, стереотипирование, социально-педагогические явления, механизм, педагогический фактор, типизация, профессиональная деструкция.

ABDUSAMIEV D.A. EVENTS AFFECTING THE EFFICIENCY OF THE TEACHER'S LEARNING ACTIVITY IN THE PEDAGOGICAL PROCESS (PROFESSIONAL DEFORMATION)

In the article is presented views regarding the factors influencing the effectiveness of pedagogical activity, the causes of occupational deformation from socio-pedagogical phenomena, measures to reduce the impact of the phenomenon of occupational deformation.

Key words and concepts: deformation, stereotyping, socio-pedagogical phenomena, mechanism, pedagogical factor, typification, occupational destruction.

Кириш.

Жаҳонда таълим шахс камолотини таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда. ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «сифатли таълим ижодий тафаккурни ва билимни рағбатлантиради, саводхонлик ва ҳисоб малакалари асосларини, шунингдек, таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш, фикрлаш ҳамда бошқа шахслараро ва ижтимоий муносабат кўникмаларини юқори даражада эгаллашни кафолатлайди»¹, деб қайд этилган. Бу эса, умумий ўрта таълим тизимида таълим самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мавжуд таълим тизимини жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ўзгаришлари билан узвий боғлаш зарур вазифага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ва 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сон Фармонлари, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, таълим тизимида ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш, касбига бўлган ижобий муносабатларини шакллантириш механизминини такомиллаштириш технологияларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишларни амалга оширида муайян даражада хизмат қилади.

Мавзунинг долзарблиги умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг педагогик ва илмий фаолиятини самарали ташкил этишнинг мақбул педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш - муҳим долзарбликни тақозо қилади. Шунингдек, ўқитувчиларни замонавий таълим тизими талабларига мослашувини таъминлаш, педагогик фаолият жараёнида юзага келадиган касбий деформация муаммоларини бартараф этишнинг педагогик имкониятларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Мақоланинг мақсади ўқитувчининг касбий деформациянинг пайдо бўлиш механизминини

тузиш жараёнида шунга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир, ўқитувчи ҳам илмий, ҳам ижтимоий фаолиятида ўзини доимий такомиллаштириб бориши ва ўз ўзини бошқариш малакасини ривожлантириб бориши лозимлиги кўринади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Ўқитувчи фаолиятига таъсир кўрсатувчи педагогик ҳодисалар бўйича тадқиқотлар олиб борган россиялик олим В.Юрченко² педагогик-психологик адабиётларда “ривожланишдаги тўсиқлар” атамаси “касбий деформация” тушунчасига яқин ҳолда қўлланилади. “Тўсиқлар” деганда у ёки бу тарзда иш жараёнида ўзини тўлиқ англашга халақит берадиган ҳамма нарсани тушунамиз. Масалан, янгиликларни амалга оширишдаги тўсиқлар, алоқа ўртатишдаги тўсиқлар, фаолият ва шахснинг ривожланишидаги тўсиқлар ва бошқалар. Бундан ташқари, “ривожланишдаги тўсиқлар” кўпроқ одамнинг ўзини англашидаги ички тўсиқларни англатади. Шунингдек, Э.Э.Сыманюкнинг фикрича “Бундай “тўсиқлар” ҳар доим ҳам мутахассис томонидан тан олинмаслиги мумкин, аммо улар одатда кучли тажриба ва ижодий фаолиятга тўсқинлик қилади”³ деган, хулосани ўз изланишларида қайд этиб ўтади.

Мақоланинг илмий моҳияти шундан иборатки, ҳозирга қадар педагогик-психологик илмий адабиётларда “касбий деформация” атамасининг мазмунини аниқлашнинг ягона усули йўқ. Ушбу концепциянинг моҳияти тўлиқ очиб берилмаган, структуранинг мураккаблиги, шунингдек, касбий фаолият жараёнида намоён бўлиш шакллари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик билан боғлиқлик масалалари етарли ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг педагогик ва илмий фаолиятини самарали ташкил этиш жараёни танланди.

Тадқиқотда қўлланилган усуллар сифатида қиёсий-мантиқий таҳлилдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг натижалари ва амалий мисоллар.

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Юрченко Е.В. Содержание и методы преодоления профессиональной деформации учителя в работе педагога - психолога [Текст] / Е.В.Юрченко. автореф. дисс.на соиск. учен. степ. к.п.н. спец. 13.00.01. Уссурийский ГПИ. Екатеринбург, 2000. - С. 23.

³ Сыманюк Э.Э. Психологические барьеры профессионального развития личности. – М.: МПСУ, 2005. – 252 с.

Касбий деформация мотивацион соҳага таъсир қилиши мумкин, бу баъзи бир профессионал фаолиятга ҳаддан ташқари иштиёқ билан, ҳаётнинг бошқа соҳаларига қизиқишнинг пасайиши билан намоён бўлади. Шахснинг касбий деформацияси деганда, касбий вазифаларни бажариш таъсири остида ақлий тузилиш ва шахсият хусусиятларининг ўзгариши тушунилади¹.

“Hardworking” бу деформациянинг энг машҳур намунаси. Бундай ҳолатда, одам кўп вақтини иш жойида ўтказади, фақат иш ҳақида ўйлайди ва гаплашади, шу билан бирга ҳаётининг бошқа соҳаларига қизиқишни йўқотади. «Hardworking» шароитида меҳнат бу “ҳимоя”, шахснинг пайдо бўладиган ҳаёт муаммолари ва қийинчиликларидан халос бўлишга уринишдир. Бошқа томондан, одам маълум бир соҳада жуда самарали ишлаши ва бутун вақтини унга бағишлаши мумкин ва натижада ҳаётнинг бошқа соҳаларида қизиқиш ва фаолиятдан маҳрум бўлади. Билимнинг касбий деформацияси ҳам ҳар қандай касбий соҳада чуқур ихтисослашув натижаси бўлиши мумкин. Бирор киши ўз билимларига таяниб, бошқа соҳаларга оид билимлардан воз кечади. Иш самарадорлиги учун маълум бир ҳажм билан чекланади.

Шахсий хусусиятлар деформацияси, шунингдек, касбий мажбуриятларни самарали бажариш учун зарур бўлган битта сифатнинг ҳаддан ташқари кўпайиши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин, бу унинг инсон ҳаётининг “касбий” соҳасига таъсирини кучайтиради. Бу касбий стереотиплар ва муносабатларда акс этади. Улар маълум бир маҳорат даражасига эга билим, кўникма ва автоматлаштирилган қобилиятларда, шунингдек, онгни инкор этадиган онгсиз муносабатларда намоён бўлади. Стереотипларнинг салбий таъсири муаммоларни ҳал қилишда, маълум билим ва ғоялар фаолиятнинг муваффақиятини таъминлаши мумкин бўлган соддалаштирилган ёндашувда намоён бўлади.

Кўпчилик мутахассислар учун “тўсиқлар” ўзини-ўзи профессионал сифатида шубҳа қилиши, ўз камчиликларига (профессионал ва шахсий) ҳаддан ташқари аҳамият бериши, ўзини-ўзи ҳурмат қилмаслик ва бошқалар билан боғлиқ

бўлиши мумкин. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин, масалан, меҳнат жамоасидаги носоғлом муносабатлар, ҳамкасблар ушбу мутахассисга нисбатан ноҳақлик қилиши ва унинг ишини режалаштиришга қодир эмаслигини таъкид қилишса².

Шахс касбий деформациясининг пайдо бўлиш механизмининг таркибий тузилмаси 1-расм асосида ифода этилган.


Тадқиқотларимиз натижасида ўқитувчининг касбий ривожланишидаги бузилишлар тўғрисидаги касбий деформациянинг қуйидаги оқибатларини келтиришимиз мумкин:

- ёшга боғлиқ ижтимоий меъёрларга нисбатан касбий ривожланишдаги кечикиш (касбни нотўғри танлаш);
- касбий тажрибанинг йўқлиги, зарур ахлоқий ғоялар, профессионализм ва малаканинг етишмаслиги кабилар;
- касбий фаолиятни соддалаштириш, мотивацион етишмовчилик, ишдан қониқмаслик;
- иш сифатининг пасайиши ва ахлоқий кўрсатмаларининг камайиши;
- касбий ривожланишдаги индивидуал алоқаларнинг номувофиқлиги;
- касбий маълумотларнинг заифлашиши (касбий қобилиятнинг пасайиши, иш самарадорлигининг пасайиши кабилар);
- меҳнат ва касбий маҳоратни, профессионализм ва малакани йўқотиш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, меҳнат унумдорлиги ва ишдан қониқишнинг кескин пасайиши;
- касбий ривожланишнинг ижтимоий ва индивидуал нормаларидан четга чиқиш, шахсий деформациянинг намоён бўлиши (ҳиссий чарчаш, одамларни манипуляция қилиш истаги, касбий онгнинг деформацияси кабилар);
- касб касаллиги туфайли касбий ривожланишнинг тўхташи (иш вақтини узайиши ёки доимий ишлашга яроқсизлиги).

Касбий ривожланишдаги бу ва бошқа оғишлар деформацияга олиб келади. Касбий деформацияларнинг кўринишларига “касбий бегоналаштириш” ва “касбий ўзига хосликни йўқотиш” кабиларни келтириш мумкин, чунки ўқитувчининг қандай ишлаши кераклиги ҳақидаги ғоялари ва

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2006. 680 б.

² Шакуров Р.Х. Социально-психологические проблемы управления; руководитель педагогического коллектива. – М.: Просвещение, 1990. – 210 с.

1-расм. Шах касбий деформациясининг пайдо бўлиш механизмининг таркибий тузилмаси¹.

унинг ишидаги қутилмаган натижалар ўртасидаги зиддиятлар касбига нисбатан муносабатига салбий таъсир кўрсатади.

Касбий деформациялар ўқитувчининг фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда “касбий стресс (сиқилиш)” ва “ҳиссий чарчаш” синдроми деб ҳам аталади². Бу бепарволик, бепарқлик ёки умидсизликда тўпланган энергиянинг етарли даражада сарфланмаганлиги натижасида “ҳаёт оҳангини” йўқотишида намоён бўлади.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиш натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида юзага келадиган касбий деформациянинг таъсирини олдини олиш сифатида изланишларимизга таянган ҳолда хулоса ва амалий таклифларимизни таъкидлаб ўтамыз.

Хулосалар:

1. “Ўзини ишлашга ўргатиш”. Ҳиссий шахсий фазилатларни ривожлантириш, бошқа одамлар билан касбий тажриба алмашиш учун турли хил касбий йўналтирилган тренинглари, маърузалар ва семинарларда қатнашиши зарур. Бу мутахассис-

нинг ижтимоий-педагогик имкониятларини яхши-лашга ёрдам беради.

2. “Ишни ўзига мослаштириш”. Ташкилий тузилишга риоя қилишни тавсия этишингиз мумкин, лекин орттирилган мажбуриятларни қабул қилманг, фақат кўриб чиқилганларни қабул қилинг. Ўзингизга дам олиш ва тикланиш учун етарли вақт ажратинг.

3. Касбий фаолият билан боғлиқ бўлган ҳиссий ҳолатларни камайтириш. Касб меъёрларида белгиланган ишлар учун вақт ажратинг. Шахсий ҳаёт учун ҳам маълум меъёрда вақт ажратиб қўйинг.

4. Жисмоний тайёргарликни сақлаш, ухлаш ва овқатланишга риоя қилиш, тоза ҳавода сайл қилиш. Жисмоний тарбия касбий фаолиятдан чалғитади, бундан ташқари, тўғри режим иммунитет тизимининг фаоллигини оширади.

5. Ишдан ташқари манфаатларни сақлаб қолиш. Нафақат касбга оид бўлган адабиётларни ўқиш, балки бадиий адабиётларни ўқиш, театрлар, фильмлар томоша қилиш, сеvimли машғулотларга эга бўлиш. Шахсий ҳоббилар иложи борица касбига алоқаси бўлмаслиги маъқулроқ.

6. Касбий фаолиятга хилма-хилликни киритиш, шу жумладан қутилмаган лойиҳаларни яратиш ёки иштирок этиш. Касбий ҳаётнинг муқобил вариантини ишлаб чиқиш, касбий ўзгаришлардан қўрмаслик.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

² Abdusamiev D.A. Problems of professional deformation in pedagogical activity. // Science and Education. 2020. № 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-professional-deformation-in-pedagogical-activity> (дата обращения: 07.02.2021).

Адабиётлар рўйхати:

1. Юрченко Е.В. Содержание и методы преодоления профессиональной деформации учителя в работе педагога - психолога [Текст] / Е.В.Юрченко. автореф. дисс.на соиск. учен. степ к.п.н. спец. 13.00.01. Уссурийский ГПИ. Екатеринбург, 2000. - С. 23.
2. Сыманюк Э.Э. Психологические барьеры профессионального развития личности. – М.: МПСУ, 2005. – 252 с.
3. Abdusamiev D.A. Problems of professional deformation in pedagogical activity. // Science and Education. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-professional-deformation-in-pedagogical-activity> (дата обращения: 07.02.2021).
4. Шакуров Р.Х. Социально-психологические проблемы управления; руководитель педагогического коллектив. – М.: Просвещение, 1990. – 210 с.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2006. 6802 б.
6. Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).